


МУЙНОҚ ТУМАНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

АХБОРОТ-БИБЛИОГРАФИЯ ХИЗМАТИ.



“Буюк аждодларимиз хотирасига хурмат ”

МУЙНОҚ 2026

СЎЗ БОШИ

«Жадидлар ғоялари янги Ўзбекистон стратегияси билан ҳамоҳангдир» — Шавкат Мирзиёев.

Сиз, азизларни ўтган аср бошларида шаклланиб, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун мусулмон олами ва туркий дунё тарихида чуқур из қолдирган жадидчилик ҳаракатини ҳар томонлама ўрганишга муштарак тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этадиган маърифатпарвар аجدодларимизнинг ибратли фаолиятини, уларнинг ўз қиммати ва аҳамиятини ҳамон йўқотмасдан келаётган бой меросини ҳамкор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли хорижий олимлар билан биргаликда теран тадқиқ ва тарғиб этиш бизнинг устувор вазифамиздир.

Ўз моҳият эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, тараққийпарвар аجدодларимизнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш, Туркистон жадидларининг миллий давлатчилик ривожигаги ўрни ва таъсирини ўрганиш, XX асрнинг биринчи чорагида улар томонидан барпо этилган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш, дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятига тарихий баҳо бериш, Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс бунёд этишда ушбу мероснинг мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалалар бугунги конференциянинг асосий муҳокама мавзулари этиб белгилангани алоҳида аҳамиятга эга. Барчамизга аёнки, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли – билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билдилар.

Улар шу йўлда фидойилик кўрсатиб, янги усул мактаблари, театр ва кутубхоналар, нашриётлар очдилар. Жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш мақсадида газета ва журналлар нашр этдилар. Ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбордилар.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, молия, солиқ тизимлари, ер масалаларини тадрижий асосда тубдан ислоҳ қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракатлар олиб бордилар.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислохотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Шу боис, халқимиз озодлиги ва Ватанимиз равнақи йўлида азиз жонларини фидо қилган аجدодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини янгича тафаккур асосида ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юртимизда ушбу йўналишда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳар йили 31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу мураккаб давр тарихига оид илмий ва бадий асарлар, “Тарихнинг номаълум саҳифалари”, “Қатағон қурбонлари” номли кўп жилдли хотира китоблари нашр этилмоқда. Бадий ва ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар тайёрланиб, намойиш қилинмоқда. Халқаро конференциялар, кўргазмалар ва давра суҳбатлари, хотира кечалари, семинарлар мунтазам ўтказилмоқда. Атоқли маърифатпарварларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда. Уларнинг азиз номлари билан аталадиган ёдгорлик мажмуалари, таълим муассасалари, музейлар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Айни вақтда, юртимизда ҳар йили август ойини “Қатағон қурбонларини ёд этиш ойи” сифатида ўтказиш, фидойи ватандошларимиз ва уларнинг авлодлари яшаган ва яшаётган хонадонларга ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш, уларнинг ворислари ҳамда яқин кишиларига ҳурмат-эътибор кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Маҳалла идораларида “Қатағон қурбонлари хотираси бурчаклари” ва “Маҳалла хотира китоблари”ни ташкил этиш, ҳар йили камида 100 нафар қатағон қурбони ҳамда жаид боболаримиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирадиган тўплам тайёрлаш режалаштирилган.

Ушбу муҳим мавзуда архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун мақсадли грантлар эълон қилиш, янги бадий ва публицистик асарлар яратиш, хорижий илм-фан марказлари, фондлар ва музейлар, кутубхоналар билан ҳамкорликни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат намунасидир. Уларнинг ҳаёти ва жасорати бугунги тинч ва осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганини эслатиб, миллий истиқлолимизни, жонажон Ватанимизни кўз қорачиғидай асрашга доимо даъват этиб туради.


Бугунги нуфузли анжуман ҳар биримизни маънавий уйғоқлик ва огоҳликка чорлаб, қалбларимизда улуғ аجدодларимизга хос азму шижоат туйғуларини юксалтиришга, халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва қардошлиқ руҳини, илмий-маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман. Шавкат Мирзиёев.

Биз уларнинг ўз сўзларини, айтган гапларини аслиятидан ўқийлик" дейди. Шундай пайтда биз уларнинг қўлига, мана, дея оладиган китобларимиз бўлиши зарур.

1. Уларнинг ҳаёти биз учун ибрат.
2. Ватан учун, миллат учун, халқ учун!
3. Инсон кадри ҳар нарсадан устун.
4. Ўтказиладиган тадбир номи.

Абдурауф Фитратнинг ҳаёти

Абдурауф Фитрат (1886, Бухоро шахри, Бухоро амирлиги — 4 октябрь, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР) — ўзбек тарихчиси, филолог, таржимон, ёзувчи, драматург ва шоир, замонавий ўзбек тили ва адабиёти асосчиларидан бири, Ўрта Осиё жадиличилигининг таниқли вакили, биринчи ўзбек профессори. Жадишлик миллий маърифатпарварлик ҳаракатининг тарафдори. Туркияда таълим олган. Инкилобга қадар Ўрта Осиёни Россиядан озод қилиниши ҳаракатларида фаол қатнашган, полиция назорати остида бўлган. Туркиядаги “Ёш турклар” ҳаракатидан илҳомланиб, Бухорода „Ёш бухороликлар“ партиясини тузган, унинг маънавий раҳнамосига айланган. Дўсти ва маслакдоши Мунзим билан ҳамкорликда бухоролик 70 нафар ёш туркистонликларни Германиянинг бир қатор олий таълим муассасаларига ўқишга юборган. 1886 йилда




Бухоро шаҳрида зиёли оиласида туғилган, адибнинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган бўлиб, 1918 йилгача Қашқарда туриб қолади. Ёш Абдурауф асосан онаси Мустафо Биби (Бибижон) тарбиясида қолади, ундан Навоий, Увайсий, Зебуннисо, Бедил, Фузулий каби йирик шоирларнинг ғазалларини тинглайди. Дастлаб эски мактабда, кейинчалик, Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. 1902-1903 йилларда ҳаж сафарига чиққан, уни адо этгач Арабистон, Анатолия (замонавий Туркия), Кавказorti, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилган. 1906-1908 йилларда Россиянинг Қозон, Нижний Новгород, Ярославл, Москва, Петроград шаҳарларида бўлган. XX аср бошларида вужудга келган „Тарбияи атфол“ жамияти кўмагида 1908-1913 йилларда Истанбулдаги Воизон мадрасасида таҳсил олган ва қизғин ижод қилган. Мадрасада унга мударрис Юсуф Акчура таълим берган. 1908—1913 йилларда Туркия дорилфунунида ўқиётганда унинг зукко, билимдонлиги профессор-ўқитувчиларни ҳайратга солади. Унга Фитрат — Донишманд тахаллусини берадилар. Фитратнинг дастлабки мақолалари „Ҳикмат“ журналида босилган. Ўзи эса Россия империясидан келган муҳожирлар билан алоқа боғлаган. Фитратнинг Усмонлилар пойтахтида ўтказган тўрт йили Болқон уруши ва Ёш туркларнинг конституциявий инкилобига тўғри келди. Фитрат ўқишни Истанбулда давом эттириб юрган кезларида, ҳамюртлари билан биргаликда „Бухоро таълими маориф жамияти“ни тузган. Бу жамият бухороликларнинг ўзаро моддий-маънавий уюшмаси вазифасини бажарган ҳамда Бухоро ва Туркистон маорифининг олға силжишига доир бир қатор ишларни амалга оширган. Бу даврда Туркия „Ёш турклар“ инкилобидан маст даврни ўз бошидан кечирарди. Туркиядаги бундай инкилобий муҳит албатта ёш Фитратга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. У сиёсат майдонига шўнғиб кетди. Бу ерда Фитрат Шарқ адабиёти, санъати, тарихини чуқур ва атрофлича ўрганайди. Илғор тараққийпарвар турк адабиёти вакиллари, турк адабиёти орқали эса Ғарб адабиёти билан яқиндан танишади. Ғарб ва Шарқ халқлари маданияти, адабиётлари ўртасидаги фарқларни ўз кўзи билан кўради, унинг сабабларини теранроқ англайди.

Фаолияти, жадишлик ва ҳуррият орзуси

Фитрат 1917-йилги февраль воқеаларидан сўнг жадиждларнинг Бухородаги аҳволи мураккаблашгач, Самарқандга кўчиб бориб 1917 йил апрелидан 1918 йил мартигача чиқиб турган „Ҳуррият“ газетасига муҳаррирлик қилади (1917-йилги 27-сонидан 1918-йилги 87-сонигача), газета ишларини ривожлантириш мақсадида Фитрат нашриётга Ўрта Осиё жадиличилигининг дарғаси, муфтий Маҳмудхўжа Бехбудийни таклиф этади. Айрим маълумотларга қараганда Фитрат шу-йилларда „Иттиҳоди тараққий“ ташкилоти Эски Бухоро бўлимидан раиси ҳам бўлган. Тошкентда у асосан илмий, ижодий маърифий ишлар билан кўпроқ банд бўлди. Бир қатор дарсликлар тузди, „Чиғатой гурунги“ номли ижтимоий-адабий ташкилот тузиб, унда фаол иштирок этди. 1920 йил 9 апрелда „Тонг“ журналини ташкил этиб, ёш зиёлилар авлодини миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳиятида тарбиялашга киришди. „Тонг“ журналининг шиори бўлган: „Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!“ сўзлари Фитратнинг шу-йилларда олиб борган фаолиятининг мақсад-моҳиятини тўла ифодалайди. Журналда „Чиғатой гурунги“ аъзоларининг деярли барчаси иштирок этди. Афсуски, журнал иши 3-сондан кейин тўхтаб қолди.

Бадиий ва илмий адабиёт



Фитратнинг адабий мероси ранг-баранг. У адиб сифатида бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратибгина қолмай, ўзбек адабиётининг янги жанр ва турлар билан бойиши, шеър тузилишининг ислох этилиши, адабий реализмнинг теранлашиши, давр, жамият ва халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим ижтимоий муаммоларнинг ўзбек адабиётида бадиий талқин этилишига улкан ҳисса қўшди. Фитрат ижодини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин: 1-давр 1909-1916 йилларни ўз ичига олиб, Туркия таассуротларидан илҳомланган ҳолда жаҳид маърифатпарвари сифатида ижод қилган. 2-давр 1917-1923 йилларни камраб олади, бу даврда Фитрат миллий истиқлол ғоялари билан тўйинган асарлар ёзади. Ижодининг 3-даври 1923-1937 йилларга оид бўлиб, Шўро махфий хизматининг доимий назоратида бўлган Фитрат асосан илмий ва педагогик ишлар билан шуғулланади. Фитрат насрда ҳам самарали ижод қилган. XX асрнинг 10 йилларида сахна асари сифатида намойиш этилган „Мунозара“ Фитратнинг насрдаги илк асаридир. „Мунозара“ ҳам „Сайёҳи ҳинди“ ҳам Фитрат публицистикасининг ёрқин намуналаридандир. Фитрат кейинчалик ҳам ижтимоий, ҳукукий, маънавий ҳамда эстетик қарашларини ифодалашда публицистикадан самарали фойдаланди. Фақат 20 йилларнинг ўрталарига келибгина у „соф“ насрий асарларни ярата бошлади („Қиёмат“, „Меърож“, „Оқ мазор“, „Зайд ва Зайнаб“, „Заҳронинг имони“ ва бошқалар). „Мунозара“ ва „Сайёҳи ҳинди“ асарларида кўтарилган миллий қолоқлик, диний фанатизм мавзуси 20 йиллар учун ҳам долзарб аҳамиятга эга эди. Фитрат бу ҳикояларида диний сюжетлардан дин таъсирига қарши курашда фойдаланди. Бу асарлар, айниқса, 1930 йилда қайта ишланган „Қиёмат“ ҳаёлий ҳикояси ўзбек адабиётида фантастиканинг туғилиши ва шаклланишида миллий манба бўлиб хизмат қилди.

Муסיқа санъати



Фитратнинг санъатшуносликка оид хизматлари ҳам таҳсинга сазовордир. У 1921 йил Бухорода Шарқ муסיқаси мактабини ташкил этиб, бу мактабнинг биринчи директори лавозимида ишлайди. Мактабга мумтоз муסיқа билимдонлари (созанда, хонандалар) билан бирга Виктор Успенский сингари муסיқашуносларни ҳам таклиф этди. У шу вақтдан бошлаб „Шашмақом“ куйларини тўплаш ва нотага ёзиб олиш ишларига раҳбарлик қилди. Фитратнинг ташаббуси билан ота Жалол ва ота Ғиёсдан Бухоро Шашмақоми В. Успенский томонидан илк бора нотага олинди, нашр этилди. Фитрат „Шашмақом“, „Ўзбек муסיқаси тўғрисида“ мақолалари ва „Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи“ (1927) рисоласи билан XX аср ўзбек муסיқашунослик фанини бошлаб берди.

Оиласи

Фитратнинг отаси Абдурахимбой савдогар ва сарроф бўлган. Онасининг исми Бибижон (тўла номи Настарбиби, айрим манбаларда Мустафбиби) бўлган. Онаси 1866 йилда туғилган. Ўғли Абдурауф ҳибсга олинган вақтда яъни 1937 йилда у ҳаёт бўлган. Оилада Абдурауфдан ташқари яна икки фарзанд бўлган: укаси Абдурахмон ва синглиси. Синглиси Маҳбуба Раҳим қизи номи билан шеърлар ёзган, 1920 йилларнинг фаол аёлларидан бўлган. Укаси Абдурахмон 1910 йилларда Когон босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлаган. Фитрат уч марта уйланган. Биринчи хотинидан ажрашган. Иккинчи хотини вафот этган. Учинчи марта Бухородаги Бурҳоновлар сулоласидан Фотима Бурҳонова (Мутал Бурҳоновнинг опаси)га уйланади.

Катагон қилиниши

20 йилларнинг 2-ярмидан бошлаб вазият ўзгаради. Совет давлати мустаҳкам ўрнашиб борган сари эркин фикрлашлар камайиб борди. Зиёлиларни, айниқса жадидларни қоралаш бошланди. Ҳар қандай ҳодисага синфий-партиявий ёндашиш нуктаи назари пайдо бўлди. 1929 йили „Қизил Ўзбекистон“ рўзномасининг 3-сонида (13-, 14-, 15 май) Ж.Бойбўлатов қаламига мансуб „Ўзбек адабиётида чиғатойчилик“ номли мақола нашр этилган. Мақола Фитратнинг „Ўзбек адабиёти намуналари“ асарига танқидий руҳда ёзилган. Яъни Фитрат марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеаллаштиришда, буржуа миллатчилиги ғоялари ташвиқотида айбланади. Мақола муаллифи бўлган Фитрат ва китобга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошим матбуотда қарши жавоб раддия билан чиқадилар. 1930 йилдан эса унга сиёсий айбловлар қўйила бошланди. Ёзган бир қанча ишлари унинг „аксилшўровий“ фаолиятига „ашёвий далил“ сифатида тилга олинди. „Шарқ ҳақиқати“ рўзномасининг 1930-йилги 180-, 182-, 183-сонларида Ж.Бойбўлатовнинг „Ўзбекларнинг адабий мероси“ байроғи остидаги пантуркизм" сарлавҳали мақоласи босилди. Ж.Бойбўлатов яна Фитратнинг изига тушди. 1923 йилдаги „айб“ларини кўзгади, судга тортилмай қолганини эслатди, шоирни „синфий душман“ деб эълон қилди. „Ўзбекларнинг адабий мероси“ асарини „Қуръон“ни нашр қилиш пролетариат ишига қанчалик хиёнат бўлса, мазкур „Ўзбек адабиёти намуналарининг чоп этилиши ҳам шунчалик жиноятдир“, деган хулоса чиқарди. Ушбу мақоланинг русча таржимадаги бир нусхаси кейинчалик Фитратни айбловчи ҳужжат сифатида унинг „Жиноий иш“га илова қилинган. Матбуотдаги айбловларга қарамасдан Ф.Хўжаев 1923 йилдаги сингари дўстини яна бир марта сақлаб қолди. 1937 йилнинг 24 апрелига келиб Абдурауф Фитрат Ўзбекистон прокурорининг кўрсатмаси билан Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси тўртинчи бўлимининг бошлиғи Давлат Хавфсизлиги лейтенанти Оғабеков томонидан ҳибсга олинди.

Вафоти

Фитрат илғор демократик ғоя ва фикрлари учун кўпчилик жадидлар қаторида шаккоклик ва исёнкорликда айбланди. Чор маъмурлари эса уни мустамлакачиликка қарши турганликда айбладилар, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган шўролар даврида эса, миллатчиликда, пантуркизм ғояси тарафдори, „халқ душмани“ деган тухматлар билан айбладилар. Профессор Ҳ.Ёкубовнинг ҳикоя қилишича, Фитратни 1937 йилгача унинг дўсти Файзулла Хўжаев ўз ҳимоясига олиб келган. 1937 йилда кўпчилик қатори Фитрат ҳам НКВД томонидан қамоққа олинган. Иосиф Сталиннинг 1938 йил 28 мартдаги „Отувга эълон қилинганлар рўйхати“га тушган. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1938 йил 4 октябрь куни Тошкент шаҳрининг ҳозирги Юнусобод тумани Бўзеув қирғоғидаги қатлгоҳда отиб ўлдирилди. Уни ўлимга маҳкум қилиш ҳақидаги суд қарори бир кундан кейин яъни 1938 йилнинг 5 октябрида имзоланди.

Хотира

1991 йил 25-сентябрда Абдурауф Фитратга ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги, реалистик адабий танқидчилик ҳамда адабиётшунослик мактабига асос солишдаги хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди. Мустақиллик ордени берилди. Тошкент ва Бухорода Фитрат номидаги кўчалар, мактаблар очилди. Бухоро шаҳрида Фитрат боғи ва уй-музейи ташкил қилинди (1996). Бухоро шаҳрида Фитрат ҳайкали ўрнатилди. 1996 йилда Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги мамлакат миқёсида нишонланди, „Ўзбекистон почтаси“ томонидан Фитратга бағишланган почта маркалари чиқарилди.

№	Ўтказиладиган тадбир номи	Ижро шакли	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
1.	Абдурауф Фитрат ўзбек тарихчиси, филолог, таржимон, ёзувчи, драматург ва шоир, замонавий ўзбек тили ва адабиёти асосчиларидан бири, Ўрта Осиё жадидчилигининг таниқли вакили, биринчи ўзбек профессори, эл-юртимиз равнақи йўлидаги улкан тарихий хизматларини инобатга олиб ҳамда у кишининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Қатағон қурбонлари хотираси ўнитилмайди” мавзусида ахборот-кутубхона маркази ходимлари, ҳамда ўқувчилар иштирокида учрашув ва давра суҳбати ташкил этиш.	Учрашув	Январь Февраль Март	Ахборот-кутубхона маркази
2.	Кутубхона фаоллар залида Абдурауф Фитратнинг адабий мероси ранг-баранг. У адиб сифатида бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратибгина қолмай, ўзбек адабиётининг янги жанр ва турлар билан бойиши, шеър тузилишининг ислох этилиши, адабий реализмнинг теранлашиши, давр, жамият ва халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим ижтимоий муаммоларнинг ўзбек адабиётида бадиий талқин этилишига улкан ҳисса қўшган. Абдурауф Фитратнинг нашр қилинган асарларидан “Шаҳидлар хотираси” мавзусида китобхонлар иштирокида савол-жавоб кечасини ўтказиш.	Савол-жавоб	Апрель Май Июнь	Ахборот-кутубхона маркази
3.	Ахборот-кутубхона марказида китобхонлар иштирокида Абдурауф Фитратнинг нашр қилинган асарларидан “Хотирангиз калбларда мангу” номли кўргазма ташкил этиш.	Кўргазма	Июль Август Сентябрь	Ахборот-кутубхона маркази
4.	Янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғладиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислохотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир. Шу боис, халқимиз озодлиги ва Ватанимиз равнақи йўлида азиз жонларини фидо қилган аجدодларимиз ҳаётини акс эттирувчи ва мустақиллигимиз учун амалга оширган ишларини ёшларга тарғибот қилиш мақсадида Ахборот-кутубхона марказида интернет сайтларига маълумотлар, фото ва видео лавҳалар тайёрлаб жойлаштириш.	Маълумот	Октябрь Ноябрь Декабрь	Ахборот-кутубхона маркази

Нашр қилинган асарлари

Фитрат. Шеърлар. „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“, 1987 йил 11 декабрь.
Фитрат. Шеърлар. „Шарқ юлдузи“, 1991, 6-сон.
Фитрат. Ҳинд ихтилолчилари. „Шарқ юлдузи“, 1990, 4-сон.
Фитрат. Туркистонда руслар. „Шарқ юлдузи“, 1992.
Фитрат. Ўзбек классик мусикаси тарихи. Т.: „Фан“, 1993.
Фитрат. Танланган асарлар, Икки жилдлик. Т.: „Маънавият“, 2001.
Фитрат. Чин севиш. Т.: „Адабиёт ва санъат“, 1996.
Фитрат. Нажот йўли. Т.: „Шарқ“, 2002.

Адабиётлар

Алиев А., Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат, Т., 1984;
Фидойилар, Т., 1990;
Қосимов Б., Маслакдошлар. Беҳбудий. Ажзий. Фитрат, Т., 1994;
Қосимов Б., Миллий уйғониш, Т., 2002.
Қосимов Б., Фитрат (чизгилар). Шарқ юлдузи, 1992, 10-сон, 170-бет.
Қосимов Б., Инсон фожеалари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990 йил 6 апрель.
Қосимов Б., Фитрат. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 10-сон.
Ғаниев И., Фитрат, эътиқод, ижод, Т., 1994;
Ғаниев И., Фитратшунослик, Бухоро, 1994;
Ғаниев И., Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. Т., 1994.
Болтабоев Ҳ., Абдурауф Фитрат, Т., 1996;
Болтабоев Ҳ., Фитратнинг илмий мероси, Т., 1996;
Болтабоев Ҳ., Қатагон қилинган илм. Т.: „Ҳазина“, 1996.
Болтабоев Ҳ., Номаълум Фитрат. Ёшлик, 1990, 34-38-бетлар.
Болтабоев Ҳ., Фитратнинг илмий мероси. Т.: „Фан“, 1996.
Болтабоев Ҳ., Фитрат — адабиётшунос. Т.: „Ёзувчи“, 1996.
Болтабоев Ҳ., Бобуршоҳ Фитрат талқинида. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 2-сон, 15-бет.
Қурбонова М., Фитрат — тилшунос, Т., 1996;
Эргашева М., Абдурауф Фитрат — буюк ҳуқуқшунос, Т., 2001;
Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Т.: Университет, 1993.
Эркинов С. Фитрат — навоийшунос. Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 3-сон, 3-бет.